O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ушбу сонда:

2 БАРТАРАФ ЭТИЛГАН ТЎСИҚ

3 КРЕДИТ: КЕНГАЯЁТГАН ИМКОНИЯТ

4 ИЗОҲТАЛАБ ЖАВОБ



B. FRANKLIN: ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

MEZON:

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 1-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 18 (374)
2004 йил
11 май
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ – ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Юртбошимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 Май мамлакатимизда мустақиллик йилларида Инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида тажассум этган муҳим тарихий санага айланди.

Мазкур байрам бу гал Меҳр ва мурувват йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъмати, тириклик мезонларидир. Меҳр ва Мурувват — Хотира ва Қадр тушунчаларидан айро эмас. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш, бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Зеро, Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган "Хотира китоби"нинг зарҳал варақлари уларнинг сиймоси мангуликка дахлдор эканини сукут билан тасдиқлаётгандек. Ғамгузор Она қиёфасида изтиробли, шу билан бирга улуғвор умид акс этган...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, уруш йиллари ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларнинг хотираси олдида бош эгади, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини, барча фахрийларни қадрлашимиз даркор.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан вояга етмаганларни, қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин қурол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олган. Таассуфки, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган юртдошларимиз сафи йилдан-йилга сийраклашмоқда.

Ўтган бир йил мобайнида беш ярим минг нафар уруш қатнашчиси вафот этди. Айни пайтда мамлакатимизда уларнинг сони қирқ минг нафардан ортмайди. Шундай экан, бу дунёда нафақат кексаларимизни, балки бир-биримизни авайлаб-ардоқлаб, қадримизга етиб яшашимиз лозим.

Ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бош эгмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам. Бунга тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бутун дунёга хавф солаётган терроризм балосига қарши курашда ҳам халқимиз жаҳон ҳамжамиятининг олдиги сафларида. Ҳозирги таҳликали замон, кечагина бошимиздан ўтказган террорнинг қонли оқибатлари кишиларимиздан мудом огоҳликни, ҳар қандай хавфга қарши бир тану бир жон бўлиб курашишни тақозо этмоқда. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз — кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда.

Бу ҳақда Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида батафсил фикр юритди.

Яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида гапирганда бир нарсага алоҳида эътибор бериш зарур. Адашганлар бор, уларни нотўғри йўлга бурган, ғаразли мақсад сари бошлаганлар бор. Аввало уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Адашиб, ёт кучлар таъсирига тушиб қолган, қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ёшларни, агар уларнинг ота-онаси, маҳалла-қўйи ўз кафиллигига олса, кечирамиз. Халқимиз бағрикенг, кечиримли, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари шу ерда бир гуруҳ ёзувчилар ва олимлар билан ҳам суҳбатлашди. Бунда, асосан тарихимизнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалиши, уни теран ва холис таҳлил этишимиз, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз матонати ва жасоратидан ўрганишимиз, тегишли хулосалар чиқаришимиз лозимлиги хусусида сўз борди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ягона юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, аниқса, ёшларимиз ўзини англаб боргани сари уларнинг онгида "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар ва нималар билан фахрланишимиз мумкин?", деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бориши зарур, деди Ислом Каримов.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбидан шу юрт, шу халқ билан ғурурланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш, куюнчаклик ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллатни, шу халқни улуғлаш учун яшаши керак. Ана шу туйғуни қалбига жо қилган, шу ғоя атрофида бирлашган халқни ҳеч қандай куч енголмайди.

Улуғ аждодларимизга хос бўлган савоб ва эзгу ишларни ҳамиша, ҳар куни қилмоғимиз шарт. Саховат ва мурувват билан юрт обод, кўнгиллар шод бўлади. Шу туфайли эл-юртга қут-барака инади. Азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққийпарвар инсоният танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Э.Воҳидов, А.Орипов, олимлар Х.Шайхова, Д.Алимова ва бошқалар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

"Хотира китоби"нинг зарҳал варақларидан жанггоҳларда жон берган қуролдошларининг номларини кўздан кечираётган уруш қатнашчиси, кекса шоир Назармат бундай дейди:

Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу зиёратгоҳга келганимда ҳар гал вужудимни ҳаяжон чулғайди. Душман ўқига учраб, умри хазон бўлган тенгдошларимни, юртдошларимни қалбда изтироб, кўзда ёш билан хотирлайман. Бошқа жиҳатдан, уларнинг номлари мана шундай эъзоз билан абадиятга муҳрланганидан, қадр топганидан таскин топаман. Инсон хотираси қадр топган бу юртни бошимизга кўтариб яшашимиз керак. Зеро, ҳар қандай бало-қазоларни енгиб ўтишнинг ягона йўли ҳам халқимизнинг жипслигида, аҳиллигида. Бу сўлим гўша наинки пойтахт, балки мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларидан келган зиёратчиларнинг севимли қадамжосига айланган.

— Отам урушга кетганида мен олти ойлик гўдак бўлган эканман, — дея маҳзун хотираларини сўзлайди Қашқадарё вилоятидан келган Турсунқул Жўраев. — У кишидан на хат-хабар, на қабр қолган. Ҳар йили баҳорда Хотира майдонига фарзандларим билан келиб отамни хотирлайман. Исми шарифи ёзилган "Хотира китоби"ни варақлаб, отамнинг руҳи поклари ҳамиша биз билан бирга эканини ҳис қиламан. Болаларим, невараларимга бизнинг дориламон кунларимиз учун курашда қурбон бўлганларни ҳамиша хотирлашни, тирикларни қадрлашни насиҳат қиламан.

Ҳа, мазкур муқаддас майдон наинки, Хотира ва Қадрлаш куни, балки, йил — ўн икки ой одамлар билан гавжум. Бинобарин, одамлар бу ерга томоша учун келмайди. Ўтганларни хотирлайди. Бу эса бугунги кунги тинч, фаровон ҳаётни қадрлашга ундайди. Чунки бу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида Ватанни ардоқлаш, уни кўз қорачиғидек асраш лозим, деган эзгу туйғу жўш уради. Зотан, шу азиз Ватан барчамизники, уни бало-қазолардан, турли ёвуз кучлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...



Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ogohlikka da`vat

ЁВУЗЛИК ОҚИБАТИ РАЗОЛАТДИР

Мамлакатимизда фуқароларнинг эътиқод эркинлиги қонун билан кафолатланган ва бу Конституциямиз ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун орқали мустаҳкамланган. Таассуфлар бўлсинки, ўтган асрнинг 90-йилларида дин ниқоби остида иш юритган баъзи бир норасмий ҳаракатлар, жиноий гуруҳ ва уюшмалар мамлакатимиз ҳудудига кириб, дунёқараши тор кишиларни, айниқса, айрим ҳали мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларни йўлдан уриб, ўта оғир жиноятлар содир этди.

Ислом динини ўзига ниқоб қилган экстремизм аслида ўтган асрнинг 50-60 йилларида Яқин ва Ўрта Шарқда пайдо бўлган. Уларнинг ҳаракати Миср, Сурия, Саудия Арабистони каби давлатларда кескин қаршиликка учраган. Мамлакатимиз ҳудудида жиноий фаолият олиб борган "Ҳизб ат-таҳрир" диний экстремистик уюшмаси Ал-Банна томонидан 1930 йилда ташкил этилган "Мусулмон биродарлар" диний экстремистик ташкилотнинг "ворис"и ҳисобланади.

Мамлакатимизда "Ҳизб ат-таҳрир" уюшмасининг қора қилмишлари 1998 йилнинг биринчи ярмидан фош этила бошланди.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида **"Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди"**, дейилган. Жиноят кодексининг 244[2]-моддасига кўра, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жиноят саналади.

Қонундаги: **"диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади"**, дейилган. Ана шу модда асосида Жиноят кодексининг 244[1]-моддасида жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу модда 3 қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, аҳоли орасида ваҳима кўзғашга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш ва бундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган.

Шу модданинг иккинчи қисмида жиноятнинг субъектив томонини ифодаловчи мақсадларга эришиш учун фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи туҳмат уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳулқ-атвор қоидаларига, жамоат хавфсизлигига қарши ҳаракатларни содир этишда диндан фойдаланиш айбни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган қилмиш, деб таърифланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланган бузғунчи ғоялар билан "қуролланган" оқимларнинг деярли барчаси ўта мураккаб таркибли жиноий гуруҳ ёки уюшмадан иборат.

(Давоми учинчи бетда)

Tadbirkor va taraqqiyot

2004 йил 6 май куни Адлия вазирлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирининг 2004 йил 12 март кундаги 46-с-сонли буйруғига асосан вазирликнинг масъул ходимлари томонидан 15-31 март кунлари Наманган вилоятида Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши тасдиқлаган режага мувофиқ, тадбиркорликни ривожлантириш, шартномавий муносабатлар, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонун ҳужжатларининг бажарилиши, хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир масалалар, шунингдек, вилоят адлия бошқармаси бўлимлари фаолияти, уларда иш юритишни ташкил қилиш ва ижрочилик интизомига риоя этиш аҳволи амалий ёрдам бериш йўли билан ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Ҳайъат мажлисида таъкидландики, вилоят адлия бошқармасига 2004 йилнинг 1-чораги давомида 123 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Уларнинг 32 таси бевосита тадбиркорлик субъектларига таллуқлидир. Бошқарма томонидан кўриб чиқилган 112 та (11таси қолдиқ) аризаларнинг 67 таси (ёки 60 фоизи) тўлиқ асосли, 6 таси қисман асосли ва 12 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Адлия бошқармаси томонидан 2004 йилнинг 1-чораги давомида судларга 563,8 миллион сўмлик 392 та даъво аризалари киритилган ва улардан *(2003 й. қолдиқ билан бирга)* 611,6 миллион сўмлик 198 та даъво аризалари қаноатлантирилган, 22 миллион сўмлик 8 та даъво аризалари судлар томонидан кўрилмасдан қолдирилган *(сабаби жавобгарлар томонидан судгача келтирилган зарарлар тўлиқ қопланган)*, 13,4 миллион сўмлик 3 та даъво ариза-си келишув битими тузилганлиги учун ҳаракатдан тўхтатилган.

Бошқарманинг *тадбиркорлар ҳуқуқларини* ҳимоя қилиш бўлими томонидан судларга 94,5 миллион сўмлик 10 та даъво аризалари киритилиб, 66,2 миллион сўмлик 8 та даъво аризалари қаноатлантирилган. *Шартномавий-ҳуқуқий* ишларни назорат қилиш бўлими томонидан эса судларга 462,1 миллион сўмлик 378 та даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан 151,2 миллион сўмлик 183 та даъво аризаси қаноатлантирилган. *Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги* корхоналарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлимига келиб тушган 10 та шикоят ва аризаларни ўрганиш натижаси бўйича судларга 7.279 минг сўмлик 4 та даъво ариза ва 2 та огоҳномалар киритилган.

Шу билан бирга бошқарма томонидан судларга 14 нафар *айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан* моддий ва маънавий зарарларни ундиришга қаратилган 35 миллион сўмлик *163 та даъво* аризалари киритилиб, 10 та даъво аризаси бўйича 10 нафар мансабдор шахслардан 7.818.150 сўм моддий зарар ундирилган.

Тадбиркорларни ҳимоя қилиш бўлими томонидан киритилган 32 та тақдимномаларга асосан 13 нафар айбдор мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш бўйича 1 та *(банк ходими)* ва маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 3 та *(2 таси солиқ идораси ходими)* таклиф киритилган.

Бироқ бунга қарамай хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва уларнинг раҳбарларига нисбатан содир этилган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида биронта ҳам тақдимнома киритилмаган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунбузарликларни бартараф этиш борасида 5 та тақдимнома киритилиб, унга асосан 1 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 2 нафарини жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан таклиф киритилган ҳамда тақдимномага асосан 3 та қарорнинг ижроси бекор қилинган.

Маълумки, Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан шу йил январ ойида вилоятда 800 нафар тадбиркорлар ҳамда 35 та хорижий инвесторлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари бўйича тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланган эди.

Ушбу сўров натижалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларида аниқланган ҳолатларни олдини олиш, қонунбузилишларни бартарф этиш юзасидан Адлия бошқармаси ходимлари иштирокида тегишли муҳокамалар ўтказилди. Шунингдек, якуний муҳокама вилоят ҳокимининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари бошчилигида вазирлик гуруҳининг иштирокида вилоят ҳокимлигида ўтказилиб, маҳаллий ва марказий телевидения орқали намойиш этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ijro nazorati

Адлия вазирлиги томонидан ўтган йил август ойида ўтказилган режали назорат тадбирлари асосида Хоразм вилоятининг акционерлик-тижорат "Пахтабанк"и Питнак бўлими тадбиркорларнинг маблағини сақлаш борасида бурчи ва мажбуриятларини холис бажармаётгани аён бўлган эди. Банк бўлими етарлича асос ва ваколатларга эга бўлмай туриб, "Космос" ҳиссадорлик жамияти, "Умида" хусусий корхоналари маблағларини ўзгалар қўлига топшириб юборгани ҳолати вазирликнинг вилоят ҳокимлигига ҳавола этилган тақдимномасида қайд этилди.

ҚОНУН ҚЎЛЛАГАННИ ҚЎЛЛАЙДИ

Мазкур тақдимнома ижросини ўрганиш бўйича мухбирлик пунктимиз томонидан ўтказилган журналистик суриштирув давомида эса бундан ҳам ғаройиб ҳолатларга дуч келдик. Банк маъмурияти томонидан тақдим этилган маълумотномада хоҳ инонинг, хоҳ инонманг, бу ишга мутасадди ходимлар 2002 йил 15 апрелда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 1122-сонли **"Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"**ги Низом талабларидан бехабар эканлиги рўй-рост таъкидлаб, ушбу қусур мазкур текширувдан сўнг бартараф этилганлиги қайд этилган.

Хўш, ходимларнинг ўз вазифасини билмаслиги учун ким айбдор? Афсуски, тақдим этилган маълумотномада айбдор мутасаддининг кимлиги кўрсатилмаган ва шу боис, ҳеч ким жазога ҳам тортилмаган.

Майли, кимнидир айблаш ёки жазолаш асосий масала эмас. Бироқ бартараф этилиши таъкидланган камчиликларга нисбатан лоқайдлик, беписандлик ёки уни хаспўшлаш ҳолларига тоқат қилиб бўладими? Вазирлик тақдимномасида бошқарувнинг қўшимча ва нозарур буйруқбозлик бўғини сифатида Қўшкўпир туманидаги М.Раҳимов номидаги, Урганч туманидаги "Дўрмон", Шовот туманидаги "Махтумқули" номидаги, Боғот ва Хазорасп туманларидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжаликларида "бригадир" ва "табелчи" лавозимлари қайд этилиб, қисқартириш лозимлиги сўралган эди. Масалани ўрганиш жараёнида кўпгина ширкатларда бу лавозим ҳамон "яшаётгани"га гувоҳ бўлдик. Айрим изоҳларда эса бу лавозимлар ширкат аъзоларининг "розилиги" билан сақланаётгани маълум бўлди.

Ҳарқалай оғизда "бош пудратчи" аталган, турли ёвуз кучлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...

Қўшкўпир туман бўлими ўтган йили "Йўлдош-Кенжа" фермер хўжалиги томонидан сотиб олинган тракторга техник талон ва давлат рақами беришни етти ой, "Мисгар" фермер хўжалигиининг мурожаатини қараб чиқишни эса 3 ой мобайнида пайсалга солиб келди. Бундай ҳолни янгибозорлик фермер Тўлибой Матназаровнинг сўрови мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят ҳудудий санитария-эпидемиология назорати Марказининг Янгиариқ туман бўлими эса тадбиркорга мададкор бўлиш у ёқда турсин, бирор кимсага зиён етказмай фаолият кўрсатаётган айрим ишбилармонлар йўлига тўсиқ қўйишдан ҳам тап тортмади. Марказ гарчи Республика Мувофиқлаштириш Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссияси рухсат бермасада, хусусий фирмалардан бирида ноқонуний текшириш ўтказади. М.Ортиқов ва Н.Юсуфов бу ишни "маромида" уддалашди.

(Давоми иккинчи бетда)

Tadbirkor va taraqqiyot

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Хусусан, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 333 нафари давлат рўйхатидан ўтказиш, 242 нафари ер ажратиш, 323 нафари кредит ажратиш, 222 нафари рухсатнома (лицензия) олиш, 273 нафари турғун савдо учун жой ёки бинони ижарага олишда белгиланган муддатларга риоя қилинмагани ҳамда 310 та ҳолатда қонунчиликда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганини билдиришган.

Ўтказилган сўровда қайд этилган бу ҳолатлар жорий йилда ўтказилган ўрганишларда ҳам ўз тасдиғини топиб, вилоят бўйича жами 48.125 та қонунбузилиш мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 333 нафари давлат рўйхатидан ўтказишда тегишли муддатнинг бузилиш ҳолатлари мавжудлигини билдиришган. Ушбу ҳолат ҳам ўрганиш давомида ўз исботини топди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"**ги 357-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари туман (шаҳар) рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бузилмоқда. Жумладан, гуруҳ томонидан ўтказилган ўрганиш давомида инспекция фаолиятига тегишли жами 3.187 та қонунбузилиш ҳолати мавжудлиги аниқланди *(булар асосан рўйхатга олиш ҳамда статистика ва солиқ идораларига ҳисобга қўйишда муддат бузилишлар, ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, нотўғри пул ундириш ва бошқалар)*. Аммо юқорида қайд этилгани қонунбузилиш ҳолатлари содир этилаётганига қарамай вилоят адлия бошқармаси томонидан бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан бор-йўғи 6 та тақдимнома киритилган, даъво аризалари эса умуман йўқ.

Бундан ташқари ўрганиш жараёнида Наманган шаҳри, Норин, Косонсой каби бир қатор туманларда тадбиркорларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёз қўлланмаётганлиги аниқланди *(ваҳоланки, улар бу солиқ туридан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, 2 йилга озод қилинган)*. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда ушбу масалада тегишли топшириқ хати берилди ва *(ўрганиш давомида)* жами 58 та корхонага нисбатан 11.037.688 сўмлик имтиёз қўлланиб, илгари ундирилган маблағлар қайта бошқа солиқ турларига ҳисоб-китоб қилиниб, қайтариб берилди.

Аммо солиққа оид қонунбузилишлар кўп бўлишига қарамай, вилоят адлия бошқармаси томонидан тегишли идораларга бор-йўғи 2 та тақдимнома ва 2 та маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритилган, даъво аризалари эса умуман киритилмаган.

Ўтказилган сўровда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг 224 нафари *ўз маблағларидан эркин фойдаланишда* турли тўсиқларга дуч келаётгани ва 323 нафари кредит ажратишда тегишли муддат бузилаётганини билдиришган. Ушбу ҳолатлар вилоятдаги тижорат банклари фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан банкларда ўтказилган ўрганишларда тижорат банкларида 2.421 та ҳолатда қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланди. Шу боис "Пахтабанк"нинг Поп тумани филиали раҳбарига нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун вилоят прокуратурасига таклиф киритилди.

Бироқ ўтган чорак давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан банк ходимларига нисбатан биронта ҳам даъво аризалари киритилмаган. Фақат бошқарма томонидан банкларга киритилган 8 та тақдимномага асосан 15 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган бўлса-да, юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари бу ишлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатади.

Шунингдек, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг аксарияти текширишлар сонининг кўплиги ва назорат қилувчи идоралар томонидан текширишларни амалга оширишда *қонунбузилишларга* йўл қўйилаётганини қайд этишган. Жумладан, 2004 йилда ўтказилган ўрганишларда 610 та *ноқонуний текширишлар* ўтказилганлиги аниқланди. Шундан 13 таси Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг *рухсатисиз ўтказилган.* Бу ноқонуний текширишларнинг аксарияти вилоят Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан содир этилган.

Вилоятда шартномавий муносабатларда ҳам қонунбузилишлар ҳали-ҳануз давом этаётганлиги аниқланди. Чунки сўровда иштирок этган 495 нафар тадбиркор шартнома бўйича ҳисоб-китоб ва хизматлар ўз вақтида амалга оширилмаётганини таъкидлашган.

Шу билан бирга вилоятда фермер хўжаликлари билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича тегишли хизматлар кўрсатмаслик, етказиб берилган маҳсулотларга ўз вақтида ҳақ тўланмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, Норин туман пилла бош корхонасида "А.Иброҳимов" фермер хўжалигининг муддати ўтган 3,1 миллион сўм маблағи қолиб кетган. Пилла корхонаси томонидан 2003 йил 1 январдан буён ҳисоб-китоб қилинмасдан келинган.

Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 25 нафари шартномага зид равишда шартнома режасини бажаргандан сўнг ортиқча етиштирган ҳосилларини мажбурий равишда *тортиб олинганини* билдиришган. Жумладан, Косонсой туманидаги "Намуна" ҳамда Чуст туманидаги "Говасой" ширкат хўжаликлари билан оила пудратчилар ўртасида ғалла етиштириш юзасидан тузилган шартномаларда ортиқча етиштирилган буғдой 100 фоиз миқдорида натура ҳолида пудратчиларга қайтариб берилиши белгиланган бўлса-да, 35 нафар оила пудратчиларига ортиқча етиштирилган жами 44.491 килограмм *буғдой қайтариб берилмаган.*

Бундан ташқари сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 139 нафари вилоятда ҳосилдорлик миқдорини белгилашда ернинг балл бонитетидан келиб чиқмасдан мажбурият юклатилаётганини таъкидлашган. Хусусан, Норин туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалигида ғалла етиштириш юзасидан тузилган пудрат шартномаларида ер балл бонитети турлича бўлса-да, режа аксарият ҳолларда бир хил белгиланган. Масалан, 80 балл бонитетли ер участкасидаги пудратчи Н.Эргашевга ҳар гектариґа 53,3 центнердан ґалла режаси белгиланган бўлса, 72 балл бонитетли ер участкасидаги пудратчи О.Қўчқоровга ҳам ҳосилдорлик 53.3 центнер миқдорида белгиланган.

Бундан ташқари, вилоятда ўтказилган ўрганишларда 32 та оила пудратчиларига ажратиб берилган 147,6 гектар ер майдонлари ноқонуний равишда тортиб олиниб, бошқа фуқароларга такрорий экин учун бериб юборилганлиги аниқланди. Масалан, Наманган туманидаги *"Зарбдор" ширкат хўжалигида* 10 нафар оила пудратчисига 2003 йилдан 2005 йилгача берилган 22,3 гектар ер майдони ноқонуний равишда вақтинча тортиб олиниб, 2003 йилда такрорий экин етиштириш учун бошқа фуқароларга берилган. Худди *шундай* 4 нафар оила пудратчиларига 2005 йилгача ажратиб берилган 5 гектар ер майдони ҳам ширкат хўжалиги бош муҳандиси Т.Юнусовга такрорий экин (макка, сабзи ва қизил лавлаги) етиштириш учун бериб юборилган.

Бундан ташқари, 6 та ҳолатда ширкат хўжаликларининг раҳбарлари томонидан хўжаликка тегишли бўлган асосий воситалар (трактор, культиватор,шийпон) ноқонуний равишда айрим шахсларга арзимаган пулга сотиб юборилган.

Юқоридаги каби қонунбузилишлар хўжаликлар томонидан жами 1.121 та ҳолатда йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан жами 335 та 359 миллион сўмлик даъво аризалари ҳамда жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун таклифлар киритилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Diqqat: yangilik!

КРЕДИТ: КЕНГАЯЁТГАН ИМКОНИЯТ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Газетамизнинг ўтган сонида фермер хўжаликлари учун кредит олишда яратилган янги имкониятлар, хусусан, уларнинг ерга бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда кредит олиш масалаларига тўхталиб ўтган эдик. Қуйида эса, Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган яна бир меъёрий ҳужжат "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳақида тушунтириш бериш ниятидамиз. Зеро, бу ҳужжатнинг амалда тўғри ва тўлақонли татбиқ қилиниши тадбиркорларга янги имконият яратиш билан бирга қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябридаги қарорига асосан, мамлакатимизнинг 4 вилоятида давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштираётган хўжаликларга эски тайёрлов корхоналари орқали аванс бериш (транш) механизми ўрнига фермер хўжаликларининг харажатларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизми синов сифатида жорий қилинган эди. Бундай механизм 2003 йилдан бошлаб яна 4 та вилоятида ҳам жорий этилди. Бу турдаги кредитлар фермер хўжаликларига имтиёзлилик асосида улар томонидан сотиладиган пахта ва ғалла ҳом ашёси қийматининг 50 фоизигача миқдорида берилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 16 апрелида давлат рўйхатидан ўтказилган (26 апрелдан кучга кирган) **"Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида"**ги Низом орқали эса давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштираётган фермер хўжаликларига ғалла етиштириш учун контрактация шартномаси умумий суммасининг 80 фоизигача ва пахта етиштириш учун 70 фоизгача миқдорида қўшимча кредит бериш тартиби жорий этилди.

Мазкур Низом асосида кредитлар фермер хўжаликларига маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган харажатларни қоплаш, хусусан, қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва ускуналар, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, ветеринария дори-дармонлари харид қилиш, машина-трактор парклари хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек, бевосита ғалла ва пахта хомашёси ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни қоплаш мақсади учун берилади. Фермер хўжаликлари бундай турдаги кредитларни 1,5 йилгача (18 ой) бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз олиши мумкин.

Бунинг учун фермерлар ўзларининг асосий депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилиши керак. Банк томонидан аризани кўриб чиқиш муддати эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш жоизки, Низомдаги асосий янгилик бу — фермерлар банкка жорий йилда олинадиган бўлғуси (ҳали етиштирилмаган) ҳосилни кредитнинг қайтариш таъминоти сифатида тақдим этиши ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат банкдан кредит олиш учун бўлғуси ҳосилни гаров сифатида тақдим этиши мумкинлигини белгиловчи энг дастлабки ҳужжат ҳисобланади, чунки бунга қадар фермерлар бундай имкониятга эга эмасди.

Бунинг учун банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилнинг гаров шартномаси тузилиб, кредит бўйича банкнинг талаблари кейинчалик тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган пул маблағларидан қопланади.

Шунингдек, фермер хўжалиги бўлғуси ҳосилни кредит берган банк фойдасига ихтиёрий суғурта қилиши ва тегишли суғурта полисини илова сифатида тақдим этиши шарт. Бундан кўзланган мақсад шуки, агар фермер кредитни тўлиқ қайтара олмаса, банк бўлғуси ҳосилни суғуртаси тўловидан олинган маблағларни кредит ва ҳисобланган фоизлар тўловини амалга оширишга йўналтиради.

Хулоса қилиб айтиш керакки, мазкур ҳужжат фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун амалга оширадиган харажатларини қўшимча молиялаштириш имконини беради, уларни зарур маблағ билан таъминлайди. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади.

Маҳмуд ИСТАМОВ
ҳуқуқшунос

Dakki

ТЕКШИРУВЧИЛАР "УСУЛИ" ТЕКШИРИЛДИ

сўнг ишдан бўшатилди

Жиззах вилоят адлия бошқармаси ходимлари "Уйжойжамғармабанк" вилоят бўлимида юритилаётган **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**нинг назорат қилувчи идоралар томонидан тўлдирилиши юзасидан мониторинг ўтказишаётганда, қизиқ ҳолатнинг устидан чиқишди. Келинг, яхшиси, бу қонунбузилиши ва унинг ортидан келиб чиққан воқеалардан ўзингиз хабардор бўлинг. Зора, бу ҳол яна қаердадир биронбир "текширувчи"га сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Жиззах шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бош ҳисобчиси К.Сулаймонов ва бўлимнинг давлат меҳнат ҳуқуқи нозири И.Келдиёров мазкур банк муассасасига назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режасида белгиланган қисқа муддат текшириш ўтказишга боришади. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки ваколат берилган экан, текширишади-да. Лекин текширувчи ходим Адлия вазирлиги томонидан 2001 йилнинг 15 майида рўйхатга олинган **"Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказиш ва текширшларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"**ги Низомга қатъий амал қилиши керак. Шунда ҳеч кимнинг дили хира тортмайди.

Бироқ текширувчилар **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**нинг 2-устунида текширувчи идоранинг почта манзили, раҳбарининг исм-шарифи, 3-устунида текширувчига гувоҳнома берган идора номи ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати, 5-устунда текшириш режа-жадвалини тасдиқлаган идора номи ва уни тасдиқлаш санаси, буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ҳамда 6-устунда текшириш турининг тўлиқ номи ва мақсади кўрсатилмаган. Юқорида қайд этилган Низом талабига кўра, 8-12-устунлар текширилаётган корхона ёки муассаса раҳбари томонидан тўлдирилиши керак. Буни қарангки, текширувчилар ўзлари тўлдиришлари лозим устунлар қолиб, 8-10-устунларга қўл уришган. Қонунбузилишларга йўл қўйганлар кимлар денг? Бири нуфузли идоранинг бош ҳисобчиси, иккинчиси давлат меҳнат ҳуқуқи нозири.

Вилоят адлия бошқармаси вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи номига аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди. Тақдимнома юзасидан адлия бошқармасига жавоб хати ва иловалар келди.

Қонунбузилишлар ҳолати ходимлар ўртасида ўрганилган. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган. Бош ҳисобчи К.Сулаймонов билан тузилган меҳнат шартномаси унинг ташаббуси билан бекор қилинганлиги инобатга олинган. Йиғилиш қарори ҳамда бош бошқарма бошлиғининг буйруғи билан меҳнат ҳуқуқи нозири И.Келдиёров вазифасидан озод этилган.

Масалага адолатли ёндашув. Бошқача таررифлаш қийин. Ахир, қонун масъулиятсизликни кечирмайди.

Абдурашид АБДУРАИМОВ,
ҳуқуқшунос

Ўтган йил Қумқўрғон туманидаги "Эшонқул Чориев" номидаги хусусий биологик лаборатория раҳбари А.Чориев ўзи бошчилик қилаётган корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қўшимча бино ва 5 гектар ер майдони сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Унинг аризаси 2003 йил 25 сентябр куни "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги фаоллар йиғилишида муҳокама қилиниб, хўжаликдаги биолабораторияни барча инвесторлари билан хусусийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

БАРТАРАФ ЭТИЛГАН ТЎСИҚ

"Ишларим олға силжиган кўринади, энди қарорни ҳокимликдан тасдиқлаб олсам, бўлди", деб ўйлади тадбиркор. Бироқ ҳаммаси ана шундан сўнг бошланди. У бир-гина қарорнинг тасдиғини уч ой кутди. Ниҳоят, 2003 йилнинг 18 декабрида туман ҳокимининг 568-сонли қарори чиқди, яъни хўжалик фаолларининг йиғилиш қарори тасдиқланди.

Шундан сўнг тадбиркор туман ҳокими тасдиқлаб берган қарорининг ширкат хўжалиги раиси А.Ҳайдаровнинг олдига қўйиб, масалани ижобий ҳал этиб беришни сўради.

— Дуруст, ҳар ҳолда мақсадингизга эришибсиз, ука. Энди сал шошмай турасиз. Ер масаласига келсак, ғалла ўримидан сўнг бўшаган ер майдонида сизга ҳам ажратамиз, — деди раис.

— Тушунмадим, — ҳайрон бўлди тадбиркор А.Чориев, — ҳокимнинг қарорида шуъба корхонасининг моддий базасини ривожлантириш мақсадида хўжалик харитасининг 634-контуридан 5 гектарлик сувли ер майдони ички шартнома асосида ажратиш, хўжалик балансидаги биолаборатория биносини жиҳозлари билан хусусийлаштириб бериш сизнинг зиммангизга юклатилган. Бу қарорнинг бажарилишини туман ҳокимининг муовини Т.Мамараимов назорат қилади.

— Энди, гапни кўп чўзманг. Бир кун бўлса ҳам, шу хўжаликка бошлиқмиз. Йўқ демаяпмиз. Сал шошманг, ўримйиғим тугасин, сўнг ўйлаб кўрамиз, — деди раис пинак бузмай.

А.Чориев қараса, ҳали-бери иши битадиганга ўхшамайди. У яна турли хил идораларнинг эшигини қоқиб, ёрдам сўради. Бўлмади. Қараса, кечагина ўнгланиб бораётган иши энди бутунлай орқага кетмоқда. У шу ташвишлар гирдобига тушиб қолган кунларнинг бирида Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилди.

Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси ходимлари бу муаммони атрофлича ўрганиб чиқишди ва шу йил 13 феврал куни Қумқўрғон туман ҳокимлигига биолаборатория биносини хусусийлаштириш ва ер майдони ажратиш билан боғлиқ барча ҳужжатлар нусхаси ҳамда тегишли маълумотни 2004 йил 17 февраль февралда ширкат хўжалигининг 9-сонли буйруғига асосан "Эшонқул Чориев" хусусий лабораториясига "Тойлоқ" ширкат хўжалиги ҳудудидан 6 гектар ер майдони, хўжалик ҳисобидаги турар-жойлардан 5 хонали уй ва лабораториянинг барча жиҳозлари ажратиб берилди.

Адлия бошқармаси томонидан юборилган тақдимномага кўра, туман ҳокимлигининг умумий бўлими ходими О.Чориевга адлия бошқармаси талабномасини ижро этишдаги йўл қўйган камчиликлари учун "ҳайфсан" интизомий жазоси берилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси Қумқўрғон туман ҳокимининг 2003 йил 18 декабрдаги 568-сонли қарори ижросини ўз вақтида таъминламасдан пайсалга солганлиги учун "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раиси А.Ҳайдаров ҳамда ушбу қарор ижросини етарли даражада назорат қилмаган туман кунигача бошқармага тақдим этиш тўғрисида талабнома юборилди. Бироқ туман ҳокимлиги белгиланган муддат ўтиб кетаётганига қарамай ҳақли талабномага жавоб беришга шошилмади. 20 февраль куни талабнома юзасидан ҳокимликка эслатма юборилгач, жавоб келди.

Тўпланган барча ҳужжатлар асосида текшириш олиб бориш жараёнида А.Чориевнинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати тўғри экани тасдиқланди. Шундан сўнг 20 Ajab savdolar

ишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Т.Мамараимовларга тегишли интизомий жазо қўллаш ҳақида Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тақдимнома киритилди.

Адолат қарор топди. Аммо уни тиклаш учун бир тахлам қоғозлардаги ёзишмалар, тадбиркорнинг оворагарчилигига ҳожат бормиди? Ахир, барча масалани ҳеч қандай муаммо ясамай ҳал қилиш мумкин эди-ку. Рўй бериб ўтган бу воқеа моҳият-мазмуни билан ҳали жойларда баъзи раҳбарлар тўрачилик қайфиятидан қутула олмаётгани, қўл остидаги кишилар ташвишига панжа орасидан қараётганини кўрсатди.

Ҳолбуки, бугун даврнинг ўзи барчамизнинг, айниқса, раҳбар ходимларнинг зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Ана шу масъулиятни ҳис этмаслик охир-оқибат юз шувутликка олиб келади.

Собир КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

УНДИРИЛГАН ҲАҚ

Фермер хўжалиги раҳбари А.Муродов пахта тозалаш акциядорлик жамиятига кўп қатнади. Ҳар гал борганида ваъда қуюқ бўларди. Бироқ қуруқ ваъда билан иш битмайди-ку!

Фермер хўжалиги ҳам рўзғорга ўхшайди: кунлик харажат учун пул керак. Сармояси йўқ фермернинг ишида унум бўлмайди. Яна денг, далада ишлаш ўрнига қонуний ҳаққингни сўраб, корхона эшигида сарсон-саргардон юрсанг.

Гап шундаки, Жиззах туманидаги "Мурод бобо" фермер хўжалиги билан "Учтепа" очиқ турдаги пахта тозалаш акциядорлик жамияти ўртасида 2002 йилнинг 8 апрелида "Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган пахта хом ашёси ва уруғлик пахта учун контрактация шартномаси" тузилганди. Ана шу шартномага асосан "Мурод бобо" фермер хўжалиги пахта тозалаш акциядорлик жамиятига 2002 йилда 39 тонна пахта етказиб бериши керак эди. Фермер хўжалиги шартномадагидан 6,1 тонна кўп, яъни 45,1 тонна пахтани корхона қабул пунктига топширади.

Шундан буён орадан қанча вақт ўтди. Бироқ фермер хўжалиги топширган пахта хом-ашёсининг 1 миллион 237 минг 861 сўмини акциядорлик жамиятидан ололмади.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси "Мурод бобо" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар "Учтепа" очиқ турдаги пахта тозалаш акциядорлик жамиятини судга берди. Яқинда вилоят хўжалик суди ушбу ишни кўриб чиқди. Фермер хўжалиги фойдасига акциядорлик жамиятидан 1 миллион 237 минг 861 сўм асосий қарз ва 613 минг 930 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Бир томондан қараганда, бу муаммо ўз ечимини топган, иш битган кўринади. Лекин аслида шундайми?!

Хўш, шартнома шартлари ўз вақтида нега бажарилмади?

Акциядорлик жамияти мутасаддиларининг эътиборсизлиги, масъулиятни ҳис этмаслиги оқибатида ана шундай муаммо келиб чиқди. Пул маблағлари фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилмаган. Оқибатда тадбиркорлик субъектига анча-мунча зарар етган.

Адлия бошқармаси Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"**ги Фармони талабларига корхонада қатъий амал қилинмаган, деган хулосага келди. Шу боис вилоят хўжалик судидан акциядорлик жамияти айбдор мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортишни сўради. Суд "Учтепа" очиқ турдаги пахта тозалаш акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Б.Бобомуродовни **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 176-1-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деб ҳисоблади ва унга нисбатан жарима жазоси қўлланди.

Иллатнинг илдизи бўлади. У қирқилмаса, томир ёзади. Юқоридаги воқеаларда масъулиятсизлик, вазифага совуқкон муносабат иллатнниг илдиз отишига сабаб бўлган. Хулоса шуки, тадбиркорлик субъектлари билан шартномавий муносабатга киришган ҳар бир корхона, ташкилот, хўжалик бундай иллат илдизининг томир ёзишига асло йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда ер чизиб, уялиб қолади. Шундай эмасми?

Мирзаахмад РАЖАБОВ,
ҳуқуқшунос

Ijro nazorati

ҚОНУН ҚЎЛЛАГАННИ ҚЎЛЛАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ноқонуний текшириш якунида эса бинойидек ишлаётган ошпаз К.Купаловни мўмайгина миқдордаги жаримага тортишдан ҳам истиҳола қилишмайди. Хива шаҳри ва тумани Санитария-эпидемиология идораси врач ёрдамчиси А.Бекчоновнинг қилиғи эса ундан-да, ошиб тушди. Идора «ёшулли»лари врачга ёрдамчи бўлмиш бу шахсни тумандаги Оғаҳий номидаги ширкат хўжалиги биофабрикасига тарғибот-тушунтириш тадбирини ўтказиш учун йўллашди. А.Бекчонов эса мазкур фабрикада топшириқда белгиланганидек тарғибот-тушунтириш тадбирини эмас, балки ростмана текширишни амалга оширди. У буюрилмаган ишни ростакамига "қойиллатди". Текшириш якуни бўйича катта лаборант Ф.Ваисованинг фаолияти юзасидан баённома тузиб, яна бир ходим М.Матёқубовни жаримага рўпара этди. Янгибозор туманидаги "Тоҳир" хусусий фирмаси раҳбарлари эса туман санитария-эпидемиология Маркази томонидан ёпиб қўйилган шоли тегирмонини қайта ишга туширишу учун роса овора бўлишди. Аниқроқ айтганда, Санитария назоратчилари камчиликлар бартараф этилса-да, тегирмонни ишга туширишга рухсат беришга асло шошилмади. Шу туманлик яна бир тадбиркор Ш.Сафарбоев ўз хусусий чойхонасида таомнинг янги турини тайёрлашга рухсат олиш учун анча елиб югурса-да, унга фаолиятнинг ушбу тури билан атиги ярим йил давомидагина шуғулланиш ҳуқуқи берилди. Амалдаги тартибқоида эса ушбу фаолият билан шуғулланиш учун муддат белгиланмаслигини тақозо этарди. Бу ҳол якка тадбиркор М.Бобоеванинг мурожаатига бўлган муносабатда ҳам акс этди. У ўзининг хусусий дўконида 2003 йилнинг 26 мартидан 31 декабригача бўлган муддатдагина ишлаш ҳуқуқини олган. Санитария назоратчиларининг тадбиркорлик фаолиятини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатлари сабаб яна уч нафар тадбиркорга фаолият юритиш учун асоссиз равишда муддат белгиланди.

Зиммадаги бурчи, мажбурияти, хизмат вазифасига нисбатан лоқайдлик, хотиржамлик ва тақдимнома ижросини хаспўшлашга қаратилган ножўя муносабатни "Шовот-дон" ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари фаолиятида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Журналистик суриштирувимиз чоғида улар мухбирлик пунктимизга ғаройиб маълумотномани тақдим этишди. Эмишки, фермерларга етказиб берилган дон ҳосили учун ҳақ тўлаш молия муассасаси қошидаги марказлаштирилган жамғарманинг айби билан пайсалга солинибди. Жамғарма топширилган ҳосил учун корхонага тегишли маблағни ўз вақтида етказиб бермабди. Бу даъвода жон бордир, деб ўйларсиз. Йўқ, аксинча, ўтган йили туманда корхонага буғдой ҳосили топширган ширкат хўжаликлари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди. Савол туғилади: башарти маблағ марказлаштирилган жамғарманинг айби билан етказиб берилмаган экан, ширкатларга қайси манбадан ҳақ тўланди? Ширкат хўжаликлари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилингани айни муддао. Бироқ ширкатларга маҳсулот учун пул тўлиқ ҳажмда тўлангани ҳолда 89 та фермер хўжалигига 32,8 миллион сўмлик қарз бир неча ойлар мобайнида тўланмай келинганини нима билан изоҳлаш мумкин? Наҳотки, марказлашган жамғарма ширкат хўжаликларига маблағни бетўхтов етказиб берса-ю, фермер хўжаликларига навбат келганда, тўнини тескари кийиб, тўловдан бўйин товласа? Хўш, айб кимда? Савол жавоб сўрайди ва уни изоҳлаш зарур. Масаланинг бу жиҳатига энди балки мутасадди маҳкамалар аниқлик киритишар?

Питнак шаҳар ҳокимлиги қарамоғидаги Архитектура ва шаҳарсозлик бўлимида аниқланган камчилик ва нуқсонлар учун ҳам деярли ҳеч қайси амалдорнинг бурни қонамади. Камчиликлар эса анчагина. Назорат тадбири асосида айрим тадбиркорлик субъектларининг ер ажратишга доир мурожаатларига нисбатан совуққонлик, йўл қўйилаётган қонунбузарликларни яшириш, шу мақсадда баъзи аризаларни сана кўрсатилмаган ҳолда қабул қилиш ҳоллари юз бергани маълум бўлди. Бунинг натижасида аризалар орадан бир неча ойлар ўтгачгина қайд этилган. Чунончи фуқаро Б.Ҳайитбоев дўкон қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб, мурожаат қилганидан сўнг бир ой ўтгач, шаҳар ҳокимининг 402 сонли қарори чиқарилган. Бироқ унга ўзи сўраган ер майдонини ажратиб бериш бўйича комиссия хулосаси ариза ёзишдан 6 ой олдин тахт этиб қўйилганди. Бу ҳолат фуқаронинг ярим йил муқаддам қилган қонуний мурожаати ҳокимликда ана шунча муддат чанг босиб ётганлиги, тегишли тартибда қайд этилмаганлигидан далолат эмасми? Афсуски, туман ҳокимиятининг бу сингари хатти-ҳаракатини яна 5 нафар фуқаронинг аризаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вазирлик тақдимномасида Янгибозор туман якка тартибда турар жойлар қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман ер ресурслари хизмати, Қўшкўпир ва Янгиариқ "Пилла" ҳиссадорлик жамиятлари, "Қишлоққўҳаликкимё"нинг Урганч туман бўлимида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги қайд этилган эди. Мазкур корхона ва ташкилотларда таъкидланган етишмовчиликлар тўлиқ бартараф этилганини кўриб, қувондик. Лекин ушбу жамоаларнинг аъзо ва фаоллари аниқланган хато ва қусурларни барҳам топтириш билан ўзларини хотиржам ҳис этишмагани, қаноат ҳосил қилишмаганига ҳам гувоҳ бўлдик. Ушбу жамоалар камчилик ва етишмовчиликларни тугатиш билан бир қаторда ўз вазифасига беписандлик, совуққонлик билан қараб келган айрим "ёшулли"лар, бошқа мутасаддиларнинг бахридан ўтишган, уларни вазифасидан озод этишган. Яна бир ҳолат: вилоят ҳокимлиги ва бошқа тегишли маҳкамалардан олинган маълумотларга қараганда, аксарият идора ва ташкилотларда вазирлик томонидан ўтказилган назорат тадбирлари ҳамда шу юзасидан йўлланган тақдимномага ҳушёр ва сезгир муносабатда бўлишган. Аниқланган қонун ва қоидабузарликларнинг катта қисми бартараф этилган. Айни пайтда 30 нафарга яқин масъул ва мансабдор шахслар вазифасидан озод этилган. Бу қонунбузарликларга бош-қош бўлиб келган раҳбар-мутасаддиларга муносабат тубдан ўзгарганлиги, муросасозлик барҳам топаётганидан далолат беради.

Зеро, қонун ҳам, турмушимиз тамойиллари ҳам жамиятни, Ватан ва халқимизни, қолаверса, ўз иши ва бурчини қўллаганларни-қўллайди, қайишганга-қайишади. Раҳбарлик ва масъулликни ўз зиммасига олганлар ҳаётнинг бу мантиқий тамойилини унутишмаса, бас, ишлар равон кетаверади.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ogohlikka da`vat

ЁВУЗЛИК ОҚИБАТИ РАЗОЛАТДИР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Дин ниқоби остидаги экстремистларнинг, жумладан, "Ҳизб ат-таҳрир" жиноий уюшмасининг дастурларида "халифалик давлати" қуриш йўлидаги жиноий фаолият узоқ йилларга мўлжалланган уч босқичдан, яъни бошланғич ташкилий ва ҳокимиятни қўлга киритиш учун сиёсий кураш, куч ишлатиш давридан иборат экани кўрсатилган. Бу жиноий гуруҳ мамлакатимиз ҳудудида ўтган асрнинг сўнгги йилларида диний экстремистик ғоялар сингдирилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиб, хуфёна тарзда чоп эттириб тарқатган.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда **"чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмунини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади"** (19-модда, 2-қисм), дейилган. Қонуннинг шу талабидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита таркибида экспертлар гуруҳи ташкил этилган. Ана шу гуруҳнинг тегишли хулосаси олингандан сўнггина диний адабиётлар, шунингдек, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини таржима қилиш, чоп этиб, тарқатишга рухсат берилади.

Четдан келтирилган бузғунчи ғоялар сингдирилган манбалар нафақат китоб шаклида, шунингдек, фото, кино, видео, аудио, варақалар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бундай материаллар жиноят содир этишда восита, қурол бўлиши шубҳасиз. Мисол учун "Ҳизб ат-таҳрир тушунчалари" рисоласида (муаллифи, ноширн номаълум) "уюшма давлат барпо қилиш учун юзага келади", "ҳизбий уюшманинг бу иши сиёсий ишдир", "бу уюшма сиёсий уюшма бўлмоғи вожиб", "сиёсий кураш олиб бориш ҳизб ўзига фаолият майдони қилиб белгилаган жамиятда бўлади", каби ёвуз ниятлар сингдирилган ибораларда ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олишга, давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қабиҳ даъват — жиноий ният аниқ-равшан акс этган.

Мазкур жиноий уюшма узвий тизим сифатида ўз-ўзидан ривожланиб борувчи яхлит бир тизим бўлиб, ўзининг индивидуал ривожи жараёнида мураккаблашув ва табақалашувнинг тадрижий босқичларини ўтаб боради. Шу сабабли ҳам жиноий уюшмада таркибий алоқалардан ташқари ташкил этиш, уюшманинг келиб чиқиш ва ривожланиш хусусиятларига боғлиқ бўлган бошқа алоқалари ҳам мавжуд. Улар иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш билан бирга янги алоқаларнинг юзага келишини зўрлик билан қўлга олишга, давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қабиҳ даъват — жиноий ниятнинг аниқ-равшан акс этган.

Мазкур жиноий уюшма узвий тизим сифатида ўз-ўзидан ривожланиб борувчи яхлит бир тизим бўлиб, ўзининг индивидуал ривожи жараёнида мураккаблашув ва табақалашувнинг тадрижий босқичларини ўтаб боради. Шу сабабли ҳам жиноий уюшмада таркибий алоқалардан ташқари ташкил этиш, уюшманинг келиб чиқиш ва ривожланиш хусусиятларига боғлиқ бўлган бошқа алоқалари ҳам мавжуд. Улар иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш билан бирга янги алоқаларнинг юзага келишини тақозо этувчи, узлуксиз янги аъзолар — «дорус»ларни жалб этиш асосида алоқаларни яна кенгайтиришни талаб этади.

Бу жиноий уюшма тузилиши "ётиқ" (жиноий уюшма қатнашчилари ўртасидаги алоқа назарда тутилган) ҳамда "тик" ҳолати билан бирбирига узвий боғланиб туради. "Тик" тузилма жиноий уюшма даражалари ва уларнинг табақасини ифодалайди. Кўп даражали табақани тартиблига солишнинг усули бошқарув бўлиб, у ўзининг шакли ва раҳбарнинг қаттиққўллиги жиҳатидан жиноий уюшманинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлайдиган алоқа усулларига эга.

"Ҳизб" жиноий уюшмаси таркибидаги жиноий гуруҳлар қилмишининг ижтимоий хавфли жиҳатларидан бири унинг аъзолари амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларнинг барчаси мажбурий хусусиятга эгалигидадир.

Демак, ҳар қандай маърифатли жамият ва ҳуқуқий давлатда бундай жиноятчилар қонун асосида жавобгарликка тортилиб, жазоланиши шубҳасиздир.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Huquqiy himoya

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун етарли қонунчилик базаси ва кенг кўламли шарт-шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам чет эллик сармоядорларнинг юртимизга бўлган ишончи ортиб, қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Бироқ бу қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва кафолатлар баъзан солиқ ҳамда бошқа молиявий идоралар томонидан нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учраётгани ҳам сир эмас. Қуйидаги мисол ҳам бу фикрни исботлайди.

ИМТИЁЗ

уни ким қандай тушунади?



1999 йил 25 июнда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган "Бух-тел" Ўзбек-Исроил қўшма корхонаси вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, Файзулла Хўжаев тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2.980.429 сўм ноқонуний ундирганини маълум қилган. Ўз навбатида адлия бошқармаси қўшма корхона манфаатини ҳимоя қилиб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Гап шундаки, мазкур қўшма корхона 2002 йил 1 июлдан Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарори билан жорий этилган солиққа тортишнинг янги, соддалаштирилган ягона солиқ тизимига ўтган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети идоралари тўғрисида"**ги қарори билан мазкур солиқ ставкаси маҳсулот реализациясининг ялпи тушумидан 10 фоиз, 2003 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарор билан эса 12 фоиз белгиланган.

Бироқ Файзулла Хўжаев тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари мазкур қарор асосида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан 12 фоиз миқдорида солиқ тўлаш лозим, деб ҳисоблаган. Қўшма корхонанинг 2003 йил 9 ойлик фаолияти якуни бўйича жами 7.947.810 сўм миқдордаги ягона солиқ даъвогарнинг ҳисоб рақамидан "инкасса" топшириқномаси орқали ундириб олинган.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 декабрдаги **"Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорида микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўланиши қайд этилган, — дейди қўшма корхона раҳбари Жаҳонгир Хўжаев. — Қарорда истеъмол товарлари бўйича бирон-бир чекланишлар белгиланмаган. 2003 йил 31 март куни ҳукумат томонидан 164-сонли қарор қабул қилиниб, юқорида қайд этилган 390-сонли қарордаги имтиёз фақат мазкур қарор билан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга жорий этилиши ўз ифодасини топган. Бироқ унда корхонамизда ишлаб чиқариладиган товарлар кўрсатилмаган.

"Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун нисбатан ноқулай шароитларни яратадиган ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ушбу субъектлар 2 йил давомида мазкур ўзгартиришлар кучга киритилгунга қадар амалда бўлган қонунлар асосида солиқлар тўлаши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қонуннинг 3-моддасида **агар кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб 10 йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларни қўллаш ҳуқуқига эга** эканлиги қайд этилган.

Мазкур ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиқиб, суд даъвогар — "Бух-тел" Ўзбек-Исроил қўшма корхонасига нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги қарорига асосан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан 7,5 фоиз миқдорида солиқ ундирилиши имтиёз тарзида қўлланилиши лозим, деб топди.

Жавобгарнинг, **"Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари тўғрисида"**ги қонуннинг 16-моддасига ўзгартириш киритилганига асосан, ушбу ўзгартириш бўйича даъвогарга берилган имтиёз бекор қилингани тўғрисидаги важи суд жараёнида рад этилди.

Хўш, суд нега бундай қарорга келди?

Юқорида қайд этилган қонуннинг 16-моддасига кўра, солиқ солиш ва солиқ ставкалари тизимининг индексация қилиш билан боғлиқ ўзгариши, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим фаолият турларини амалга оширишдан олган даромадларига қатъий белгиланган солиқнинг жорий этилиши кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бир қанча ноқулай фаолият шароитларини юзага келтирувчи ўзгаришлар деб ҳисобланмайди. Даъвогарга нисбатан оширилган солиқ ставкаси эса солиқларни индексация қилиш билан боғлиқ эмас.

Суд мажлисида даъвогарга нисбатан **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қонуннинг 3-моддаси қўлланилмаслиги эътироф этилди. Чунки қўшма корхона фаолият юрита бошлаган пайтда мамлакатимизда соддалаштирилган солиқ тизими мавжуд эди.

Кўриниб турибдики, даъвогар ҳақ. Шунинг учун ҳам вилоят хўжалик суди даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантирди. Бухоро шаҳар молия бўлимидан Файзулла Хўжаев тумани ДСИ томонидан ортиқча ундирилган 2.980.429 сўм "Бух-тел" Ўзбек-Исроил қўшма корхонаси фойдасига ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса шуки, қонун талабини тўғри англаш ва уни амалга бехато жорий этиш ҳар қандай ортиқча оворагарчилик ва тумунмовчиликнинг олдини олади. Бунинг учун эса бевосита қонун ижросига масъул бўлган шахс унинг моҳиятини чуқур англаб олиши керак.

Баҳодир АШУРОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Сокинлик

Muloqot

УЧ САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

1. САВОЛ: ***Суриштирув нима? Суриштирув идораларининг фаолият доираси қандай белгиланган?***

ЖАВОБ: Жиноят процессуал кодексининг 339-моддасига кўра, жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарар қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш суриштирувдан иборатдир. Суриштирув идоралари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, аниқлаш ва илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. ЖПКнинг 341-342 моддаларига биноан, жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмай тугатилиши керак. Агар оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

— шахсни айбдорлигини исботловчи етарли асослар бўлса;

— ишни тугатиш учун зарур асослар аниқланган бўлса;

— терговчи ишни ўз юритувига талаб қилиб олса;

мазкур муддат тугамаса ҳам суриштирувчи ишни дарҳол терговчига ўтказади.

2. САВОЛ: ***Муниципиал мулк нима ва у қандай ташкил этилади?***

ЖАВОБ: Давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципиал уйжой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади. Фуқаролик кодексининг 215-моддасига кўра, маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тушумлар ҳисобидан муниципиал мулк шакллантирилади.

3. САВОЛ: ***Қамоқ жазоси нима ва у қанча муддатга белгиланади?***

ЖАВОБ: Қамоқ бу Жиноят кодексига асосан айбдор деб топилган шахсни якка ҳолда, батамом ажратган шароитда сақлашдан иборатдир. ЖК га мувофиқ, қамоқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб бир ойдан олти ойгача белгиланади.

Адҳам ОДИНАЕВ
тайёрлади.

Jahon tajribasi

ИХТИСОСЛАШГАН СУД:

ИМКОНИЯТ ВА АФЗАЛЛИК

Ривожланган ҳуқуқий давлатлар суд тизими тажрибасидаги ҳаёт синовидан ўтган судларни ихтисослаштириш мамлакатимиз одил судловига тадбиқ этилиши ҳақли равишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд йўли билан ҳимоя қилиниши кафолатларининг кучайтирилиши деб, баҳоланмоқда.

Махсус меҳнат судлари асосан Буюк Британия, ГФР, Австрия, Франция, Бельгия, Швейцариянинг айрим кантонларида, Швеция, Норвегия, Финландия, Канаданинг Квебек музофотида, Янги Зеландия, Япония ва Исроилда фаолият кўрсатади. АҚШ, Япония ва Канаданинг қатор музофотларида эса меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судлов вазифаларини амалга оширувчи маъмурий идоралар мавжуд.

Францияда меҳнат низоларини кўрувчи махсус судлар 1806 йилдаги буён фаолият кўрсатиб келади ва улар жуда бой тажрибага эга. Мазкур судлар Францияда «Прюдоминал кенгашлар» деб юритиладиган махсус атама билан номланади. Ушбу атама французча «Prud homme» сўзидан олинган бўлиб, қадимда доно ва ҳалол инсоннинг исми билан боғликдир.

Мазкур суд судьялари беш йил муддатга сайланиб, номзодлар тадбиркорлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан таклиф қилинадилар. Судьяларни сайлаш ҳар бир тараф учун алоҳида сайлов ҳайъатида ўтказилади. Судьяларни сайлаш ҳуқуқига 16 ёшга тўлган шахслар эга бўлса, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган 21 ёшга тўлган француз фуқароси судья сифатида сайланиш мумкин. Судьялардан юридик маълумот талаб этилмайди.

Мазкур ишларни кўриб чиқишда судьяларга котиб кўмак беради. Суд котиби вазифасини департамент бошлиғи (Префект) томонидан тайинланган мансабдор шахс амалга оширади. Лекин мазкур мансабдор шахслар кўпинча профессионал ҳуқуқшунослардан тайинланади ва ишни ҳал қилишида маслаҳат овозига эга бўлиб, шу орқали суд фаолиятига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Меҳнатга оид суд ишлари асосан ишлаб чиқариш, савдо, қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этилган махсус инстанцияларда кўриб ҳал этилади. Ҳар бир инстанция икки бўлимдан:

1) келишув;

2) судлов бўлимларидан иборат бўлади.

Даставвал шикоятлар мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва ёпиқ мажлисда низони келишув асосида ҳал қилишга ҳаракат қилинади. Келишув босқичида иккала томондан сайланган судьялар иштирок этадилар.

Келишув босқичида судьялар тарафларни ишни келишув асосида тугатишга чақирадилар. Келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлар асосида келишув битимларини тузишда ўз ифодасини топади.

Тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарори кучига эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади.

Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирда иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади. Судлов бўлимида гувоҳлар жалб этилиб, ишдаги мавжуд далиллар баҳоланиши мумкин.

Судлов бўлими ҳар бир томондан битта судьядан иборат таркибда иш олиб боради. Мазкур босқичда суд котибининг иштирок этиши мажбурий ҳисобланади.

Меҳнат низолари бўйича судларда суд жараёни фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган қоидалар асосида олиб борилади. Меҳнат низоларини судда кўришнинг бир қатор процессуал хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: **биринчидан,** даъвогарлардан давлат божи ундирилмайди, **иккинчидан эса,** процесс оддий, тез ва оғзакилик тамойили асосида очиқ суд мажлисида олиб борилади.

Мазкур процессда адвокатнинг иштироки мажбурий эмас. Ходимларнинг вакили сифатида касаба уюшмалари, уларнинг ҳамкасблари ва яқин қариндошлари иштирок этиши мумкин.

Ишни кўриш жараёнида суд тарафлар ва улар вакилларининг тушунтириши, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглайди, эксперт хулосаларини текшириш орқали далилларга баҳо беради. Одатда, судьялар орасидан маърузачи тайинланади ва у иш юзасидан барча ҳолатлар ўрганиб чиққач, ўз маърузасини судга тақдим этади. Шунингдек, маърузачи ишнинг қандай ҳал этилиши бўйича тавсиялар бериш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда айтиш жоизки, маърузачи судьянинг ишни ҳал этишдаги аҳамияти жуда катта ва унинг иш юзасидан берган фикрлари суд ҳал қилув қарорларининг мазмунига ўз таъсирини ўтказиши ҳам мумкин.

Меҳнат ишлари юзасидан суд ҳал қилув қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар овоз беришда бўлиниш мавжуд бўлса, мазкур судлов бўлимининг ўзида янги суд музокараси белгиланади ва ушбу мажлисга фуқаролик судининг судьяси таклиф этилади ва у, ўз навбатида, суд мажлисига раислик қилади.

Даъво талабининг суммаси 21.500 франк (1998 йил)дан ошмаса, суднинг ҳал қилув қарори қатъий ҳисобланади. Агар бу сумма 21.500 франк ёки ундан ошса, тарафлар бир ой ичида апелляция судига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Апелляция судида меҳнат ишлари малакали судьялар томонидан ихтисослашган ижтимоий палатада янгидан кўриб чиқилади.

Апелляция суди ўз мажлисини учта судьядан кам бўлмаган таркибда олиб боради ва улардан бири суд мажлисига раислик қилади. Апелляция судида прокурор иштирок этиши шарт. Бироқ адвокатнинг иштироки мажбурий ҳисобланмайди.

Апелляция судининг ваколатлари ҳақида шуни айтиш жоизки, мазкур инстанция судида иш кўриш жараёнида прюдоминал суднинг ҳал қилув қарорлари ижроси тўхтатиб қўйилиши мумкин. Лекин бунга қарамай судьялар ҳайъати тарафларнинг илтимоси ёки ўз ташаббуси билан ҳам ҳал қилув қарорларини дарҳол ижрога қаратиш тўғрисида кўрсатма бериши ҳам мумкин. Апелляция судлари суднинг ҳал қилув қарорларини ўз кучида қолдириш ёки уни бекор қилиш ваколатига эга.

Апелляция ва биринчи инстанциянинг прюдоминал судларининг даъво талаблари миқдори 21.500 франкгача бўлган ҳал қилув қарорлари устидан икки ой ичида кассация судига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Кассация суди ишни мазмунан кўриб чиқмаса-да, лекин қуйи судларнинг қонунни тўғри қўллаганини текширади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бу борада хорижий давлатлар бой тажрибага эга. Бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда ана шу тажрибалардан ўринли фойдаланиб келгусида меҳнат низоларини ҳал этадиган махсус судлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Давлатжон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос
Сардор БОЗОРОВ,
талаба

Mavzuga qaytib...

ИЗОҲТАЛАБ ЖАВОБ

Газетхонларнинг ёдида бўлса, газетамизнинг 2004 йил 20 апрел сонида махсус мухбиримиз Илҳомжон Эгамназаровнинг "Журналист суриштируви" рукни остида "Қоғозда қолаётган қарз" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада Андижон вилояти, Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси ишчилари шаҳар Шошилинч тиббий ёрдам Марказини қуришда қатнашгани ва 2001 йил декабрдан буён ўзларининг қонуний ҳақларини ололмасдан овора-ю сарсон бўлиб юрганлиги ҳақида фикр юритилган эди. Эслатиб ўтиш жоизки, айни мавзудаги мақола газетамизнинг 2003 йил 28 октябр сонида ҳам "Билса ҳазил, билмаса чин" сарлавҳаси остида эълон қилинган эди. Орадан олти ой ўтгач, ҳамон ўз қонуний ҳақини ололмаётган тадбиркор Муроджон Жўрабоев яна таҳририятга мурожаат қилди ва мухбиримиз масалани ўрганиб, "Қоғозда қолаётган қарз" мақоласини тайёрлади.

Куни кеча таҳририятга Хонобод шаҳар ҳокими Махсум Мусаевнинг имзоси билан жавоб хати келди. Тўғриси, шаҳар ҳокимининг матбуотга бўлган ҳурмати туфайли ўз вақтида мақолага жавоб йўллагани бизни хурсанд қилди. Шунинг учун ҳам биз Хонобод шаҳар ҳокимига миннатдорчилик билдириб, унинг жавобини тўлалигича эътиборингизга ҳавола этамиз.

"2004 йил 20 апрел 15-сонли "Инсон ва қонун" газетасида "Қоғозда қолаётган қарз" чоп этилган лавҳани ўқиб ва муҳокама қилиб, Хонобод шаҳар ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Шаҳар марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам шахобчаси марказий шифохонанинг 2-қаватли "Хирургия" бўлимини қайта мукаммал таъмирланиб жорий этилган, мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Хонобод шаҳар ҳокимининг 2001 йил 16 март 82-К сонли қарори билан буюртмачи этиб, марказий шифохона, шаҳар ҳокимлиги томонидан масъул вакиллари этилиб бош мутахассислар Х.Назиров ва А.Юсуповлар тайинланган.

Марказий шифохона томонидан бош пудратчи этиб Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси билан қурилиш ишларни амалга ошириш учун шартнома тузилган. 2001 йил 1 августга қадар сифатли таъмирдан чиқарилишини ва талаблар даражасида жиҳозланишини таъминлаш, молиялаштириш, маҳаллий бюджет ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан марказий шифохона махсус ҳисоб рақами орқали ҳисоб-китоб қилиш юклатилган. Хонобод шаҳар ҳокимлиги томонидан 19 июн 2001 йилдан бошлаб, 19 дона тўлов варақаси орқали марказий шифохона махсус ҳисоб рақамига маҳаллий бюджет ҳисобидан 47850 сўм, ҳомий ташкилотлардан 4 миллион сўм пул маблағи, 11583347 сўмлик қурилиш материаллари жами бўлиб 63 млн. 433 минг 347 сўм ўтказилиб берилган.

Юқоридагиларга қарамасдан, марказий шифохона ёки "Тоҳир" кичик хусусий корхонаси маъмурияти томонидан, ўтказиб берилган маблағ ва қурилиш материаллари қонуний сарф-харажатлари тўғрисида ҳисобот берилмаган.

Марказий шифохона ва "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси ўртасида тузилган шартномада белгиланган 2-шакл бажарилган ишлар далолатномаси ва 3-шакл бажарилган ишлар маълумотномаси марказий шифохона томонидан тасдиқланиб, тақдим қилиниши белгиланганлигига қарамай ҳозирги кунгача`берилмаган, оқибатда таъмирлаш ишлари миқдорига аниқлик киритилмаган.



(Давоми тўртинчи бетда)

ИЗОҲТАЛАБ ЖАВОБ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шартномада қайд қилинган вазифалар буюртмачи ва пудратчи томонидан ўз вақтида тақдим қилинмаганлиги сабабли қурилиш ишлари бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб, қарздорликни аниқлаб тўловларни амалга ошириш имкониятига эга эмаслигимиз оқибатида шундай мақолалар вужудга келмоқда.

Шартнома шартлари буюртмачи ва пудратчи томонидан тўла бажарилган тақдирда аниқланган қарздорлик тўловлари амалга оширилади.

М.МУСАЕВ,
Хонобод шаҳар ҳокими"

Биз ушбу жавоб учун Хонобод шаҳар ҳокими М. Мусаевга миннатдорчилик билдирган ҳолда, андаккина эътирозларимиз ҳам борки, агар мана шу эътирозларимизни айтмасак, адолатга путур етган бўлади, деб ўйлаймиз.

Чунки мақолада ўртага ташланган аниқ саволларга жавоб хатидан "кўзойнак" тақиб ҳам жавоб топа олмадик. Масалан, мақолада шундай сўзлар бор: ***"Тоҳир" хусусий кичик корхонасининг манфаатини кўзлаб, Андижон вилоят адлия бошқармаси Андижон вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суднинг 2003 йил 28 ноябрдаги ажрими билан Хонобод шаҳар ҳокимлиги иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилинган. Вилоят хўжалик суди ушбу ишни 2003 йил 16 декабр куни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини қабул қилди.***

Суд мажлисида хусусий кичик корхона раҳбари Муроджон Жўрабоев даъвони қувватлаб, шундай деди:

– Бажарган ишларим учун 2001 йилнинг декабр ойидан буён ҳаққимни ололмаяпман. Адлия вазирлигига мурожаат қилганимдан сўнг адлия бошқармаси даъво ариза билан хўжалик судига мурожаат қилди. Шартномага кўра, 2-шакл асосида ҳисоб-китоб қилинади, дейилган. Мен бу шаклларни ойма-ой топшириб, 2001 йилнинг декабр ойида охиргисини топширганман. Бу бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномага марказий шифохона бош ҳакими Муқимжон Комилов имзо қўйган. Кейинчалик ушбу ҳужжатларни Хонобод шаҳар ҳокими Махсум Мусаев тан олмай, нотўғри деб топиб, ҳисоб-китобни амалга оширмади. Ушбу суд мажлиси тайин этилгунига қадар кичик корхонанинг фаолияти уч маротаба текширилган. Прокуратура томонидан тайин этилган экспертиза хулосасига кўра, 13 миллион 43 минг 346 сўм ҳақдор бўлиб чиқди. Ушбу экспертиза хулосасига розиман. Шунга кўра, ўша 13 миллион 43 минг 346 сўм асосий қарзни, 3 миллион 752 минг сўм устамани ундириб беришни сўрайман..."

Мақолада даъвогарнинг давоси ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган ва унинг ҳақ эканлиги исботлаб берилган. Исботлаб берилган дейишимизга далил сифатида яна мақоладан кўчирма келтирамиз:

"...ҳокимликнинг бош мутахассислари назорати остида Андижон жамоа хўжаликлараро кенгаши номидан марказий шифохона билан "Тоҳир" кичик корхонаси ўртасида 2001 йилнинг 1 апрелида 110 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш, 2001 йилнинг 2 апрелида Хонобод шаҳар марказий шифохонаси билан "Тоҳир" кичик корхонаси ўртасида 50 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида иккита шартнома тузилган.

Хуллас, ана шу шартнома асосида бажарилган ишлар юзасидан ўтказилган қайта-қайта текширишларда ва суд муҳокамаларида "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси шошилинч тиббий ёрдам шаҳобчасида 50 миллион сўмлик ўрнига 52 миллион 699 минг 268 сўмлик таъмирлаш ишлари бажаргани, буюртмачи томонидан ҳақдорга 13 миллион 43 минг 346 сўмлик бажарилган ишлар ҳақи ўтказиб берилмагани тўлиқ ўз исботини топди. Ушбу хулоса юзасидан жавобгар тараф миқ этолмади".

Энди жавоб хатидаги мана бу сўзларга эътибор беринг:

"...Марказий шифохона ва "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси ўртасида тузилган шартномада белгиланган 2-шакл бажарилган ишлар далолатномаси ва 3-шакл бажарилган ишлар маълумотномаси марказий шифохона томонидан тасдиқланиб, тақдим қилиниши белгиланганлигига қарамай, ҳозирги кунгача берилмаган, оқибатда таъмирлаш ишлари миқдорига аниқлик киритилмаган. Шартномада қайд қилинган вазифалар буюртмачи ва пудратчи томонидан ўз вақтида тақдим қилинмаганлиги сабабли қурилиш ишлари бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб, қарздорликни аниқлаб тўловларни амалга ошириш имкониятига эга эмаслигимиз оқибатида шундай мақолалар вужудга келмоқда.

Шартнома шартлари буюртмачи ва пудратчи томонидан тўла бажарилган тақдирда аниқланган қарздорлик тўловлари амалга оширилади".

Агар Хонобод шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари "Қоғозда қолаётган қарз" мақоласини диққат билан ўқиб чиққанларида эди, унда келтирилган қуйидаги сўзларга муносабат билдирган бўлишарди:

«...Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори 2004 йилнинг 19 январидан қонуний кучга кирди. 22 январ куни судья Малоҳат Собирова томонидан ижро варақаси чиқарилди. Хонобод шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича дастлаб марказий шифохонага суд ижро ҳужжатида кўрсатилган маблағни "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддасига асосан 5 кунлик муддат ичида ихтиёрий равишда "Тоҳир" хусусий фирмасига тўлаш ҳақида огоҳлантириш хати юборилди. Ижро ҳужжатида кўрсатилган махсус рақамга банд солинди. Хонобод шаҳар ҳокимига ижро ҳужжатида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш тавсия этилди».

Хуллас, тадбиркор М. Жўрабоев ўз ҳақини оладими ёки йўқми, деган савол яна очиқ қолган. Умид қиламизки, жавобгар томон даъвогар томоннинг даъволарини яна бир марта кўриб чиқади. Қолаверса, суднинг ҳал қилув қарори қонун эканлигини ҳам унутмаслик керак. Қонунга бўйсунмаган, қонунни менсимаган одам — у оддий фуқаро бўладими ёки раҳбарми, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт. Хонободлик мутасаддилар ҳам ана шу оддийгина ҳақиқатга амал қилишса, яхши бўларди?..

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mavzuga qaytib

Qutlov

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ



Маъмур Жалиловни кўпчилик тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида яхши билади ва ҳурмат қилади. У сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонлардан бири. Ҳуқуқшунослик дипломини қўлга олгач, дастлаб иш фаолиятини Самарқанд вилоят прокуратурасида бошлади. Прокуратура тизимида турли лавозимларда меҳнат қилди. 1974–77 йилларда Самарқанд вилояти судининг судьяси, Каттақўрғон шаҳар судининг раиси, 1977 йилдан 1992 йилга қадар Олий суднинг судьяси, кейинчалик эса Адлия вазирининг ўринбосари лавозимида самарали фаолият олиб борди. Ҳозирги пайтда ҳам Адлия вазирлигида маҳорат ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда. Маъмур Жалилов қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ҳар доим ҳалол меҳнати, изланувчан ва камтаринлиги билан обрў-эътибор қозонди. Бугунги кунда кўпгина ёшлар у кишини ўзига устоз деб билади ва ҳурмат қилади. Бу ҳам Маъмур Жалилов фаолиятига берилган юксак баҳодир.

Биз Маъмур Жалиловни табаррук 60 ёшлари билан қутлаб, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, келгусидаги фаолиятига муваффақият тилаймиз.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ

Taqdir tarixi

B. FRANKLIN:

ЭЗГУЛИККА БАҲШИДА УМР



Бенжамин Франклин суратини дунёнинг энг чекка пучмоқларида ҳам учратиш мумкин. Маълумки, пулга миллатнинг фахри бўлган шахслар ва объектлар расми туширилади. Франклин эса президент бўлган эмас. Шунга қарамай, бу мамлакатда у "Американинг биринчи фуқароси", "АҚШ миллатининг отаси", "Оврупа билан Америка "меники" деб талашадиган арбоб" дея шарафланади (сўнгги таъриф машҳур француз давлат арбоби Мирабога тегишли). Америкаликларнинг ана шу туйғуси 100 долларлик пулда акс этган...

Даҳақиқат, Бенжамин Франклин кўпчиликка ибрат бўладиган ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Б. Франклиндан келгуси авлодларга кўплаб ихтиролар, эзгу ва хайрли ишлар ва "Бенжамин Франклин ҳаёти" номли мемуар қисса мерос бўлиб қолди. Замондошлари уни Юлий Цезар хотиралари билан қиёслаган ва ҳатто амалий аҳамияти жиҳатидан ундан устун санаган (В. Крейн. "Юксалаётган кишилар". Бостон. 1954). Бу китоб Франклиннинг характери ва дунёқараши қандай шаклланган ҳақида батафсил тушунча беради. Қуйида ана шу китобдан парчани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

"Тахминан шу вақтда (1728 йилда — *А.А.*) ахлоқий камолотга эришиш учун далил ва қийин режа туздим. Ниятим — ҳар қандай хатодан ўзимни тийиб яшаш, табиий майллар, одатлар ёки жамият таъсирида мени оғдириши мумкин бўлган ҳамма нарсани енгиш эди. Мен нима яхшию нима ёмонлигини билар эдим ёки биламан деб ўйлардим, шунинг учун ҳар доим яхши нарсаларга амал қилиб, ёмонларидан сақланишимга халақит берадиган тўсиқ кўрмас эдим. Бироқ тез орада мен ўз олдимга дастлаб ўйлаганимга қараганда анча мураккаб масала қўйганимга амин бўлдим. Бор диққат-эътиборим муайян бир хатодан қочиш билан банд бўлган пайтда кўпинча бошқа хатоларга йўл қўяр эдим; феъ-лимга сингиб кетган одат диққатим сусайган чоғда ўзини намоён этар эди; баъзан эса майл ақлдан устун келар эди. Ниҳоят, шундай хулосага келдимки, **"яхши фазилатли бўлиш — қандай яхши"** деган эътиқоднинг ўзи етарли эмас, бу нарса кишини номаъқул хатти-ҳаракатлардан сақлайвермайди; мунтазам ва мустаҳкам хушхулқли бўлишдан аввал вужудимиздаги ёмон одатларни сиқиб чиқариш лозим. Мана шунга эришиш учун махсус усул ишлаб чиқдим.

...Ўша пайтда менга зарур ва ёқимли бўлиб туюлган фазилатларни ўн учта ном билан атадим ва уларнинг ҳар бири ҳақида йўриқнома туздим.

1. Тийилиш — тўйиб кетгунча емаслик, кайф бўлгунча ичмаслик.

2. Сокинлик — фақат ўзимга ёки бошқаларга фойда келтириши мумкин бўлган сўзларни сўзлаш, қуруқ гаплардан қочиш.

3. Тартиб — ҳар бир буюмни ўз жойида сақлаш; ҳар бир машғулотга муайян вақт ажратиш.

4. Қатъият — нимани қилиш лозим бўлса, сўзсиз шунга киришиш; киришилган нарсани эса сўзсиз бажариш.

5. Тежамлилик — пулни фақат яхшилик келтирадиган ишларга сарфлаш, яъни ҳеч нарсани исроф қилмаслик.

6. Меҳнатсеварлик — вақтни бекор ўтказмаслик; ҳар доим фойдали бирор иш билан машғул бўлиш; ҳар қандай бефойда машғулотдан воз кечиш.

7. Самимият — ёлғон ёки алдов билан ҳеч кимга зарар келтирмаслик, солиҳ ва адолатли фикр юритиш; бу тамойилларга гапирганда ҳам амал қилиш.

8. Адолат — ҳеч кимга зарар келтирмасик; адолатсизлик қилмаслик ва зиммадаги эзгу ишларни бажармай қўймаслик.

9. Меъёр — ҳеч нарсада ҳаддан ошмаслик; адолатсизлик туфайли туғиладиган алам туйғусини имкони борича тийиш.

10. Офият — бадан бўлғанишига йўл қўймаслик; кийиниш ва турар жойда ораталикка амал қилиш.

11. Хотиржамлик — арзимас нарсалар ҳамда одатдаги ёки муқаррар ҳолатлардан ҳаяжонга тушмаслик.

12. Донолик .

13. Камтарлик — Исо ва Сукротга тақлид қилиш».

Франклин таржимаи ҳолида яна қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

"Авлодим билсинки, мана шу арзимас ихтиро туфайли, Худонинг марҳамати билан, уларнинг бу аждоди (яъни Франклин — *А.А.*) етмиш тўққиз ёшигача давом этаётган саодатга эришган. Унинг қолган умри давомида ҳаёт қандай синовларга рўбарў қилиши тақдири азалга боғлиқ, аммо мабодо бундай синовлар бошга тушса, ҳаёт йўли ҳақидаги хотира уларни мўъминлик билан кечиришга мадад берса керак. Тийилиш туфайли унинг саломатлиги яхши сақланган ва ишлаш қобилияти сира сусаймаган; меҳнатсеварлик ва тежамкорлик туфайли у қисқа муддат ичида ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилаб олишга, мулк орттиришга ҳамда билим эгаллашга муваффақ бўлганки, ана шу билим унга жамият учун фойда келтиришга ва илм аҳли орасида муайян обрў топишга имкон берди; самимият ва адолатлилик туфайли у юртнинг ишончини қозонди, шарафли лавозимларга мушаррраф бўлди; жами фазилатлар, гарчанд у эриша олган даражада мукаммал бўлмаса-да, феъл-атворини равон, суҳбатини ёқимли қилди, шу туфайли у билан мулоқот ҳатто ёшлар учун ҳам жозибасини йўқотмади. Шуларни назарда тутиб, умид қиламанки, авлодимдан бир қисми бўлса-да, тажрибамдан ўрнак олиб, мен каби самарага эришади".

Франклиннинг шахсий ҳаёти ҳам, асарлари ҳам нафақат унинг авлоди, балки бутун америкаликлар учун ўзига хос ахлоқий алифбо вазифасини бажариб келади. Унинг кўплаб иборалари эса ҳикматга айланиб кетган:

- Дунёдаги энг олижаноб савол: "Мен қандай хайрли иш қилдим?"

- Шуҳрат қозонишнинг энг қисқа йўли — шуҳрат учун қилинадиган ишни виждон учун қилиш.

— Бойлик деб эзгуликни сотма, мансаб деб эркингни пуллама.

— Виждонингни ҳақорат қилсанг, у сендан қасдини олажак.

— Энг яхши таргибот — яхши ўрнак.

— Ҳаётни севасанми? Унда вақтни бекорга ўтказма, зеро, ҳаёт лаҳзалардан ташкил топади.

— Узоқ умр кўришни эмас, мазмунли умр кечиришни тила.

— Тангрига хизмат қилиш — одамларга яхшилик қилишдир, лекин кўпчилик осонроқ бўлгани учун тоат-ибодатни афзал кўради.

— Мен халққа хизмат қилар эканман, мукофот олишим керак деб эмас, қарзимни узяпман, деб ўйлайман.

— Агар сиёсатда ахлоқ бўлмаса, қонунлар нима қила олади?!

— Фалсафада тараққиёт нақадар сust!

— Дин биланки одамлар шу қадар, динсизликда нима бўлади?!

— Энг катта янглишиш — меҳрибон бўлмай ҳам буюк бўлиш мумкин, деб ўйлаш. Мен қатъий айтаманки, чинакам улуғ одам эзгу табиатли бўлмаслиги мумкин эмас...

А.АЪЗАМОВ таржимаси.

Nadomat

НОЎРИН РАШК ФОЖЕАСИ

Денов туманида яшовчи Зоир Ҳотамов эндигина 30 ёшни қаршилаган бўлса-да, йигитликнинг айни қирчиллама йилларини панжара ортида ўтказди. 21 ёшидаёқ жиноятга қўл уриб, жазо муддатини ўтаб келди. Бироқ бундан у тегишли хулоса чиқармади. Яна жиноятлар содир этиб, бир неча бор қонуний жазо олди.

Кейинги марта озодликка чиққанда Зоир ҳибсхонада танишган Дилдора Тўраеванинг хонадонига келди. Термиз шаҳрида яшовчи бу аёл билан эскича никоҳ ўқитиб, бирга яшай бошлашди. Дилдора бундан илгари фуқаро Қаюм Абдуллаев билан бирга яшаган, ораларида фарзанд бўлмаган. Қаюм ҳам жиноятга қўл ургани учун озодликдан маҳрум этилган эди. Дилдора билан Зокирнинг турмуши аввалига бироз ўнглангандай бўлди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Гап шундаки, Дилдора билан ажрашган бўлса-да, Қаюм бу хонадонга тез-тез келиб турар, буни Зоир ҳам биларди.

Ўтган йилнинг баҳор кунлари эди. Олиб-сотарлик билан шуғулланиб, бир нав рўзғор тебратиб юрган Зоирнинг иши юришмай қолди. Шу боис эр-хотин ўртасида низо келиб чиқди.

— Мен энди сен билан яшамайман. Чор тарафинг қибла, — дея бақирди Дилдора.

— Яшамасанг яшама, мен ҳам сен билан яшамайман! — деди унга жавобан ғазаб билан Зоир.

Шу билан ўртадаги иплар чирт этиб узилган эди. Лекин Қаюм Абдуллаев бу хонадонга келиб-кетишни канда қилмади. У бўлиб ўтган барча воқеалардан бохабар бўлса-да, собиқ хотини билан дон олишиб юрди...

Орадан олти ой ўтди. Термиз шаҳрига келган Зоир Ҳотамов ошхонада ароқ ичиб олгач, қўққисдан Дилдора яшаётган ҳовли томон йўл олди. Уйга кириб борганида ҳовлида ишлаётган ёлланма ишчидан Дилдорани суриштирди. "Дилдора опа уйда", деди мардикор. Зоир ётоқхона эшигини тортди. Эшик берк эди. Аммо ичкаридан эркак ва аёлнинг шивир-шивири эшитилди. Шунда Зоир ҳовлига чиқиб, таъмирлаш сабаб олиб қўйилган ётоқхона деразасидаги кондиционер жойига илиб қўйилган парда орқали ичкарига киради. Унинг нигоҳи Қаюм ва Дилдорага тушди. Зоирни кўрган Қаюм Дилдорага қараб унинг келганини айтди.

— Келса, келипти, эплолмагандан кейин, — дея бепарво жавоб қилди Дилдора.

Бу гапларни эшитган Зоир югуриб ётоқхонага кирди ва Дилдорани уриб йиқитди. Шунда Қаюм шиша идишни қўлига олиб унга ташланди. Тўс-тўполонда Зоирнинг кўзи деразадаги пичоққа тушди ва уни олиб, Қаюмнинг кўксига санчди. Лекин пичоқ ғилофда бўлгани боис Қаюмга оғир жароҳат етказмади. Пичоқни қиндан чиқаргач, Зоир энди Дилдорага ҳамла қилди. Бу гал мўлжалга етиб борган зарба Дилдоранинг умрига зомин бўлди. Яқинда жиноят ишлар бўйича Сурхондарё вилоят суди ушбу жиноятни кўриб чиқиб, қотил Зоир Ҳотамовни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Бир қарашда, ҳақиқат қарор топгандай. Лекин шу ўринда киши кўнглида айрим мулоҳазалар туғилади. Гап шундаки, ушбу фожианинг содир бўлишига атрофдагилар ҳам ҳисса қўшишган. Чунки қўни-қўшнилар, маҳаллакўй, Дилдора ва Зоирнинг қариндошлари бу масалага лоқайд муносабатда бўлишган. Агар улар ўз вақтида Дилдора билан Зоирни, қолаверса, Қаюмни тартибга чақиришганда эди, ушбу фожиа рўй бермаслиги ҳам мумкин эди. Хуллас, маънавий қашшоқлик ва ахлоқсизлик аянчли фожиани келтириб чиқарди.

Мусурмон МАМАНОВ,
ҳуқуқшунос

Баҳор тароватн

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

ЭЪЛОН

Тошкент давлат юридик институти қуйидаги кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади:

1. "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси мудири — 1;
2. "Фуқаролик жараёни" кафедраси мудири — 1;
3. "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси мудири — 1;
4. "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" кафедраси мудири — 1;
5. "Рус тили" кафедраси мудири — 1;
6. "Чет тили" кафедраси мудири — 1;
7. "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири — 1;
8. "Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар" кафедраси мудири — 1;
9. "Фалсафа" кафедраси мудири — 1;
10. "Фалсафа" кафедраси доценти — 1;
11. "Халқаро қиёсий ҳуқуқ" кафедраси доценти — 1;
12. "Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар" кафедраси доценти —1;
13. "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" кафедраси катта ўқитувчиси — 1;
14. "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси — 1.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Ректор номига ариза.

2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.

3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги диплом, илмий унвони ҳақида аттестат нусхалари.

4. Илмий ишлар рўйхати.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона

Телефон: 136-09-39

Jinoyat va jazo

ЯКУНИГА ЕТМАГАН "ОПЕРАЦИЯ"

Фарзанд тарбияси ота-она зиммасидаги энг асосий ва энг масъулиятли вазифа. Рост-да, фарзандга ёшлигидан тўғри тарбия бериб, келажакда унинг камолини кўриб яшашга нима етсин. Аммо "қаҳрамон"ларимиз Баҳодир, Зайлиддин ва Эркиннинг ота-онаси бунинг уддасидан чиқа олишмади. Оқибатда...

Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, Эркин ва Зайлиддин Чуст туманида, Баҳодир эса қўшни Қирғизистоннинг Олабуқа туманида яшайди. Ҳар учаласи ҳам муқаддам, яъни Эркин 2000, Зайлиддин 2001, Баҳодир 2002 йилда Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан судланишди-ю, бироқ бундан ўзларига тўғри хулоса чиқариб олишмади. Аксинча, яна биргаликда жиноятга қўл уришди.

Уларнинг орасида энг кичиги ва айни пайтда гуруҳ "сардор"и — Баҳодир эди. Чунки бу галги "ташаббус" ундан чикди. Дастлаб у ўтган йилнинг 27 июнида ўтар кечаси Чуст туманининг Шоён қишлоғига келди. Албатта, бежизга эмас, балки бирор нимани ўмариш мақсадида қора тортиб келган эди. Баҳодирнинг "қурьа"сига фуқаро Набижон Холмирзаевнинг Норхўжаев номидаги ширкат хўжалигининг дала майдонига боғлаб қўйилган, бозор баҳоси 300.000 сўм бўлган уч яшарлик оти тўғри келди. У отни етаклаб Олабуқа мол бозорига олиб борди ва 289.000 сўмга пуллади. Лекин буни ҳеч ким сезмади. Чўнтаги қаппайган "бойвачча" уч ой ана шу пуллар эвазига айшини сурди. Бироқ ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Энди уни яна ўша пулларнинг хумори тута бошлади. Шундан сўнг Баҳодир Чустнинг Каркидон қишлоғидан Назиржон Бекмуродовнинг бир бош, бозор баҳоси 300.000 сўм бўлган сигири ва бир бош, бозор баҳоси 150.000 сўмлик бузоғини ўғирлаб кетди. Яна илгариги бозорда сигирни 180.000 сўм, бузоқни эса 118.000 сўмга сотиб юборди. Бу пулнинг 50.000 сўмига ўзига янги кийим-бош харид қилди-ю, қолганини жиғилдонига урди.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Кузнинг сўнгги ойи ҳам яримлаб қолди. Бу маҳалда тунлари қиров тушиб, қаҳратон қиш яқинлашаётганидан дарак берувчи совуқлар бошланади. Ана шундай кунларнинг бирида эски танишлар Эркин, Баҳодир, Зайлиддинлар "машварат"га йиғилишди.

— Сизларни билмадим-у, лекин менинг чўнтагим ҳувиллаб қолди, — дея гап бошлади Баҳодир. — Шунинг учун бирор "ўлжа"ни қўлга киритиб, уч-тўрт сўм ишламасак, бўлмайди. Нима дейсизлар?

— Гапинг тўғри, — унинг гапини маъқуллади Зайлиддин. Анчадан буён қўли мўмай пул кўрмаган Эркин ҳам бу таклифга бажонудил рози бўлди.

— Мен бир ишни мўлжаллаб қўйганман. Ими-жимида бажарсак, ҳеч ким сезмайди, — дея Баҳодир муддаога ўтди. Сўнг у ҳамроҳларига ўзининг ниятини билдирди.

Учовлон маслаҳатни пишитиб, Карнон қишлоғига қараб йўл олишди. Вақт алламаҳал бўлиб, тун яримлаганда улар фуқаро Аҳмаджон Ирисовнинг дарвозаси олдида тўхташди. У ёқ-бу ёққа қараб, ён-атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, хонадонга кириб молхонадан бозор баҳоси 150.000 сўм бўлган сигирни етаклаб чиқишди. Бироқ ҳамтовоқлар учун бу камдек туюлди. Шунинг учун Аҳмаджоннинг қўшниси Мирзали Юлдашевнинг ҳар бирининг нархи 250.000 сўмдан бўлган икки бош сигирларини ҳам ўмаришди. Аммо "ўлжа"ларнинг дадиллигидан оғзи қулоғига етиб кетаётган йигитларнинг иштаҳаси ярим йўлда бўғилди. Чунки уларни маҳалланинг тунги назоратчилари қўлга туширишди ва сигирларни эгаларига, ўғрилар эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига топширилди.

Тергов жараёнида Баҳодирнинг аввалги қилмишлари ҳам ўз исботини топди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди айбдорларга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Амалдаги қонунларимиздан ташқари муқаддас китобларда ҳам ўғрилик қораланган. Ўтмишда бу жиноятга қўл урган кимсанинг қўлини кесиб жазолашган. Мазкур "ҳунар"нинг жамият тараққиёти учун қўшадиган «ҳиссаси» нақадар хавфли эканлигини шундан ҳам билиш мумкин. Ўғрига бериладиган жазо ўтиб кетар. Лекин ундан қоладиган қора доғни кеткизиб бўлармиди?

Азамат ИКРОМОВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-616. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6